

Ақромбек Эшбоев

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада пенсия таъминоти тизимининг юзага келиши ва таракқиёт босқичлари ўрганилган. Пенсия тизимининг назарий асосларига оид адабиётлар таҳлил қилинган. Хорижий мамлакатлари пенсия таъминоти тизимлари асосида пенсиянинг қоплаш коэффициентлари таҳлил қилинган. Мавжуд муаммолар ўрганилган ва уларни бартараф этиш борасида муаллифларнинг таклиф ва тавсиялари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: пенсия таъминоти, пенсия тизими, пенсия суғуртаси, нодавлат пенсия фондлари, ижтимоий риск, ижтимоий ҳимоя, бирдамлик тизими, суғурта стажи, қоплаш коэффициенти, қамров коэффициенти

FEATURES OF THE PENSION PROVISION SYSTEM

Abstract:The article examines the origins and stages of development of the pension system. The literature on the theoretical foundations of the pension system is analyzed. Pension coefficients are analyzed based on the pension systems of foreign countries. The existing problems were studied and proposals and recommendations of the authors for their solution were developed.

Keywords:pension provision, pension system, pension insurance, non-state pension funds, social risk, social protection, pay as you go, insurance experience, coverage coefficient

Кириш

Пенсия таъминоти – давлатнинг энг муҳим ижтимоий кафолатларидан биридир. Мазкур тизимнинг яхши ишлаши жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминласа, аксинча пенсия таъминоти тизимидаги муаммолар жамиятда хавфли ижтимоий кескинликларни келтириб чиқариши мумкин.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев (2020) Олий Мажлисга Мурожаатномасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш жамият учун, давлат учун муҳим эканлигини қуйидагича таъкидлайди: “Охирги уч йилда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида, халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб бораётган кенг қўламли ижтимоий ислохотларни давом эттираемиз. Бунинг учун биринчи навбатда аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш – биз учун бош вазифалардан бири бўлиб қолади.”

Сўнгги йилларда дунёнинг кўплаб мамлакатларида ижтимоий-иқтисодий ва демографик ўзгаришлар сабаб мавжуд пенсия тизимларини ислоҳ этиш зарурияти пайдо бўлди. Ўзбекистонда ҳам охириги йилларда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий, ижтимоий ҳамда сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муҳим ўзгаришлар рўй берди, шунингдек, пенсия таъминоти тизимида ҳам. Ўзбекистонда икки босқичли пенсия тизими шаклланди, яъни бирдамлик тизими асосида шаклланган давлат пенсия таъминоти тизими ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимлари. Шунингдек, ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланиши белгиланди, иш ҳақидан ундириладиган мажбурий суғурта бадаллари бекор қилинди, пенсия ҳисоблаш учун аниқланадиган ўртача ойлик иш ҳақи учун белгиланган чегара миқдорлари оширилди ва бу ўзгаришларни кўплаб санаш мумкин. Айтиш мумкинки сўнгги уч йилни пенсия таъминотини ислоҳ этиш даври дейиш мумкин.

Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш жараёнлари давом этаётганлигига қарамай, ҳали ҳам пенсиялар миқдорининг камлиги, пенсионернинг пенсияси миқдорининг меҳнат қилган даврида олган иш ҳақига нисбати (қоплаш коэффиценти) паст даражада сақлаб қолинаётганлиги, меҳнат билан банд бўлганларни пенсия тизимида иштирокини таъминлашда муаммоларнинг мавжудлиги, Пенсия жамғармаси молиявий бақарорлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шунингдек, 2005 йилдан ташкил топган жамғариб бориладиган пенсия тизими ҳам миллий пенсия тизимида ўзининг муносиб ўрнини топа олмаяпти ва ўтган 15 йил давомида пенсияларнинг умумий миқдорига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсата олмади.

Бундай шароитда самарали фаолият кўрсатадиган пенсия тизимини яратишнинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Немис иқтисодчиси А.Борш-Супан (2018) Европа мамлакатларида пенсия тизимини (хусусий, бирдамлик пенсия тизими) ислоҳ қилишнинг асосий муаммоларини қилинаётган харажат ва аҳолининг ўртача умр кўриш ёшининг ўсиши нуктаи назардан кўриб чиққан.

Шунингдек, иқтисодиёт бўйича Нобел мукофоти лауреати Р.Диамонд (2011) пенсия тизимини яратишдаги турли хил ёндашувларнинг меҳнат бозорига, жамғармаларга ва иқтисодий ўсишга таъсирини таҳлил қилган.

Ўзининг “Иқтисодий назария, солиқ ва пенсия сиёсати” номли тадқиқотида мажбурий пенсия суғуртасини чуқур таҳлил қилган.

С.Орлов ҳамда А.Шеметовлар (2013) ҳам “Россия Федерациясининг пенсия таъминоти” номли монографиясида пенсия таъминоти тизимида нодавлат пенсия фондларининг муҳимлигини очиб бера олишган. Улар монографияда нодавлат пенсия фондларини пул маблағларини йиғадиган ва ундан ўз аъзоларига пенсия ва нафақаларни тўлашда фойдаланадиган нотижорат ташкилот эканлиги ҳақида ўз таърифларини бериб ўтишган.

Ўзбекистонлик олимлар Д.Рустамовнинг (2018) “Ўзбекистонда пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари” мавзусидаги докторлик (DSc) диссертация ишида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигин таъминлашнинг илмий-услубий асослари, даромадлари ва харажатлари тадқиқ этилган.

Ш.Ражабовнинг (2018) докторлик (PhD) диссертация ишида эса нодавлат пенсия жамғармаларининг назарий ва ташкилий асослари ўрганилган.

Пенсия тизими – бу кексаликда, ногирон бўлганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ҳамда бошқа ҳолларда пенсия (тўлов) кўринишида моддий ёрдам беришни кафолатлайдиган юридик, молиявий ва ташкилий муносабатлар мажмуидир (Турсунов, 2020).

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида пенсия таъминоти тизимининг назарий ва амалий асослари борасида хорижий ва маҳаллий олимларнинг ишлари ўрганилди ва таҳлил қилинди. Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш ва таҳлил каби усуллар самарали қўлланилди, шунингдек пенсия тизимидаги мавжуд муаммолар ва уларни ечимлари, бу борада амалга оширилиши керак бўлган вазифалари борасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар

Маълумки, жамиятда кексаларни ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга доимий эътибор бериш инсониятнинг пайдо бўлишидан бери мавжуддир. Иқтисодиёт ривожланиб борар экан, объектив сабабларга кўра яъни иқтисодий ва ишлаб чиқариш омиллар сабаб (касб касаллигига чалиниш, бахтсиз ходисалар сабаб ногиронлик, ишсизлик) инсонларнинг вақтинча ёки доимий меҳнат қобилиятини йўқотиши, даромаддан маҳрум бўлиш ва бу орқали ҳаёт даражасининг пасайишига бўлган хавф ортиб боради.

“Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган сабабларга кўра ишдан ёки доимий даромад манбаидан маҳрум бўлиши натижасида молиявий аҳволининг ёмонлашиши, шунингдек ёрдамга муҳтож бўлган оила аъзоларининг тиббий-ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришда қўшимча харажатларга боғлиқлиги ижтимоий хавф ёки ижтимоий риск деб аталади.” (Борисенко, 2007)

Инсонларни ижтимоий хавф-хатарлардан ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ижтимоий ҳимоя тизими дейиш мумкин. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ўзининг ривожланиш тарихига эга. Илк бор аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш диний ташкилотлар томонидан амалга оширилган. Бозор иқтисодиётининг ривожланиши билан ижтимоий ҳимоя тизимида давлатнинг роли ошиб борди.

“Ижтимоий ҳимоя” (ижтимоий таъминот) атамаси биринчи марта 1935 йилда АҚШнинг “Ижтимоий ҳимоя тўғрисида”ги Қонунида ишлатилган. Ушбу қонунга кўра мажбурий суғурта қилиш орқали ўлимдан, кексаликда, ногирон бўлганда ва ишсизликдан ҳимоя қилиш тартиби белгиланган. Кейинчалик бу атама бошқа мамлакатларда ва халқаро ташкилотлар амалиётида кенг қўлланила бошланди.

Замонавий шароитда ижтимоий ҳимоя – бу қонун билан мустаҳкамланган кўп босқичли иқтисодий, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий тизимдир, шунингдек аҳолини ижтимоий рисклардан ҳимоя қилишга мўлжалланган институтдир.

Аҳолини ижтимоий рисклардан моддий ҳимоя қилиш иқтисодий муносабатларнинг алоҳида гуруҳи ҳисобланмиш ижтимоий таъминот кўринишида намоён бўлади. Ижтимоий таъминотнинг асосий кўринишларидан бири – бу пенсия таъминотидир.

Пенсия таъминотибу - кексайганда, ногирон бўлганда ва бошқа тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган асосий даромад манбаидан маҳрум бўлганда уларга моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатишга қаратилган ҳуқуқий ва иқтисодий чора-тадбирларнинг мажмуидир (Турсунов, 2020).

Ўзбекистонда амал қилаётган давлат пенсия дастури бирдамлик тизими асосида шаклланган. Бирдамлик пенсия тизими – ишловчиларнинг иш ҳақи жамғармасидан пенсия жамғармасига солиқ тўлаш ва пенсия жамғармасидан пенсионерларга пенсиялар тўлашга асосланган. Пенсия миқдори иш ҳақи ва меҳнат стажига боғлиқ бўлади. Шунингдек иш ҳақи ва пенсия миқдори узвий боғлиқ эмас, бошқача сўз билан айтганда ушбу тизим бадаллар миқдори билан боғланмаган пенсияларни назарда тутди.

Республикамизда амал қилаётган пенсия таъминоти тизими маълум тарихий йўлни босиб ўтган бўлиб, унинг ривожланиши мустақилликнинг

дастлабки кунлариданоқ ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қарор топишига қаратилган ислохотларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, янги босқични бошлаб берди.

Мулкчилик шаклига кўра жаҳонда пенсия фондларини давлат ва хусусий (нодавлат) фондларга ажратиш мумкин. Давлат пенсия фондларини бошқариш нафақат давлат органлари ва муассасалари, балки давлат назорати остидаги хусусий ташкилотлар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Бугунги кунда дунёда пенсия ёшига етганидан сўнг ишлаган вақтидаги олган даромадларини қайтариш даражасига қараб, давлат пенсия таъминотини учта турини шартли равишда ажратиш мумкин.


1. *Юқори даражада даромадни қоплайдиган давлат пенсия таъминоти* – бунда тўлиқ меҳнат (суғурта) стажига эга бўлган ёки мамлакатда доимий истиқомат қилувчи (15-45 ёш) пенсионерлар ўртача иш ҳақининг 50 фоиздан ортиқ миқдорида пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ушбу давлат пенсия таъминотига эга бўлган мамлакатлар қуйидагилар ҳисобланади: Австрия (45 йил давомида суғурта бадаллари тўлаган бўлса пенсия миқдори даромадининг 89 фоизини ташкил қилади), Испания (35 йил давомида суғурта бадаллари тўлаган бўлса пенсия миқдори даромадининг 83 фоизини ташкил қилади), Италия (40 йил давомида суғурта бадаллари тўлаган бўлса пенсия миқдори даромадининг 92 фоизини ташкил қилади), Германия (45 йил давомида суғурта бадаллари тўлаган бўлса пенсия миқдори даромадининг 52 фоизини ташкил қилади), Португалия, Туркия, Аргентина ва бошқа мамлакатлар.

2. *Ўртача даражада даромадни қоплайдиган давлат пенсия таъминоти* – бунда тўлиқ меҳнат (суғурта) стажига эга бўлган ёки мамлакатда доимий истиқомат қилувчи (35-45 ёш) пенсионерлар ўртача иш ҳақининг 50 фоизигача бўлган миқдорда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ушбу турга Янги Зилландия, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Полша, Чили давлат пенсия таъминотлари мисол бўла олиши мумкин.

3. *Паст даражада даромадни қоплайдиган давлат пенсия таъминоти* – бунда тўлиқ меҳнат (суғурта) стажига эга бўлган ёки мамлакатда доимий истиқомат қилувчи (15-45 ёш) пенсионерлар ўртача иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ушбу турга Норвегия, Канада давлат пенсиялари киради (Финогенова, 2003).

Юқоридаги уч даражадаги давлат пенсия таъминоти билан бир қаторда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда давлат пенсия тизимларида тақдим этилган ижтимоий ҳимоя механизмларини тўлиқ ишлашини таъминлаш мақсадида параллел равишда хусусий (нодавлат) пенсия таъминоти ишлаб чиқилган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) томонидан эълон қилинган ҳисоботда ишчиларнинг пенсия ёшига етганида олаётган пенсияси аввал олган иш ҳақисининг қоплаш коэффицентлари келтирилган. Мазкур ҳисоб-китобда 2018 йил маълумотлари акс эттирилган бўлиб, 22 ёшдан ошган, тўлиқ меҳнат стажи билан пенсия олаётганлар асосида таҳлил қилинган. Япония далатида давлат пенсия таъминоти асосида 38 фоиз, ихтиёрий жамғармалар орқали эса 22 фоиз жами 60 фоиз қоплаш коэффицентини ташкил этмоқда.



1-расм. Пензионернинг пенсияси миқдорининг меҳнат қилган даврида олган иш ҳақиганисбати, қоплаш коэффицентини, 2020 йил (Pensions at a Glance, 2021)

ИХТТ га аъзо 36 та¹ мамлакатда мажбурий ва ихтиёрий кўринишда пенсия таъминотида жами қоплаш коэффицентини ўртача 61 фоизга тенг

¹Австралия (1971), Австрия (1961), Белгия (1961), Канада (1961), Чили (2010), Чехия (1995), Дания (1961), Эстония (2010), Финландия (1969), Франция (1961), Германия (1961), Греция (1961), Венгрия (1996), Исландия (1961), Ирландия (1961), Исроил (2010), Италия (1962), Япония (1964), Корея (1996), Латвия (2016), Литва (2018), Люксембург (1961), Мексика (1994), Нидерландия (1961), Янги Зиландия (1973),

бўлган. Ихтиёрий пенсия таъминотининг ролини асосан Буюк Британия, Япония, АҚШ, Канада каби давлатларда кўришимиз мумкин. Бошқа давлатларда эса ихтиёрий пенсиянинг таъсири сезилмаган.

Мамлакатда нодавлат пенсия таъминотининг ривожланиш даражаси аҳолининг юқори пенсия олишга бўлган эҳтиёжини қондиришга боғлиқ бўлиб, бу учун эса тизимни ташкил этиш ва ишлаши учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича давлат сиёсатига боғлиқдир. Давлат пенсия таъминоти даражаси мамлакатда қанчалик паст бўлса, нодавлат пенсия таъминотининг даражаси шунчалик катта бўлади (Буюк Британия) ёки аксинча (Германия).

Ҳозирги кунга келиб, қамров бўйича аҳамияти юқори бўлган нодавлат пенсия таъминоти АҚШ, Буюк Британия, Ирландия, Нидерландия, Белгия, Швеция, Франция, Япония давлатларидадир.

Пенсия тизимида иштирок этиш ва молиялаштириш шаклларига қараб пенсия таъминоти мажбурий ва ихтиёрий шаклларда намоён бўлади. *Мажбурий пенсия таъминоти* аҳолининг кексайганда, меҳнат қобилиятини қисман ёки бутунлай йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва бошқа ҳолларда уларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида давлат ижтимоий қафолатини амалга ошириш тушунилади. Мажбурий пенсия таъминоти орқали пенсия тўлаш белгиланган қонунчилик асосда амалга оширилади. Ўзбекистонда 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун доирасида давлат пенсия таъминоти тартибга солинади. Хориж тажрибасида мажбурий пенсия доирасида пенсия ва нафақаларни нодавлат ташкилотлар ҳам тўлаши мумкин (Чили).

Ихтиёрий пенсия таъминоти мажбурий пенсия таъминоти доирасида тўланадиган пенсиялар миқдорини ошириш ва янада такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган. Ихтиёрий пенсия таъминоти одатда хусусий сектор орқали таъминланади. Иштирок этиш эса ихтиёрий ҳисобланади.

Пенсия билан қамраб олиш даражасига қараб пенсия таъминотининг куйидаги шакллари ажратиб кўрсатилади:

- умуммиллий (универсал) – иш билан банд бўлган ёки маълум бир даромадга эга бўлган барча шахсларни қамраб олади;
- касбий ёки корпоратив – алоҳида соҳалар ёки компаниялар ходимларини қамраб олади;

– хуудий – қатъий ўрнатилган меҳнат стажига эга бўлган ёки уша хуудда муайян (қатъий белгиланган йилда) муддатда яшаган шахсларни қамраб олади;

– индивидуал (шахсий) – индивид шахслар учун мўлжалланган.

Пенсия таъминотининг мазкур шакллари ҳар бир давлатнинг тузилишига қараб, пенсия таъминотининг хусусиятларига қараб фарқланиши мумкин. Умуммиллий пенсия таъминотининг ривожланиш тарихига назар соладиган бўлсак, давлат сифатида ривожланганлигини кўришимиз мумкин. Умуммиллий давлат пенсия таъминоти тизими илк бор 1889 йилда Германияда канслер Отто фон Бисмарк томонидан ташкил этилган (Борисенко, 2009). Иккинчи жаҳон уруши даврида умуммиллий пенсия таъминоти тизимлари Австрия, Белгия, Буюк Британия, Испания, Италия, АҚШ, Франция каби давлатларда мавжуд бўлиб, энг каттаси АҚШда – Умумий Федерал дастур бўлиб, мазкур пенсия дастури давлат ва нодавлат секторда банд бўлган барчани қамраб олган. Бундай пенсия тизимлари асосида тўланувчи пенсиялар иш ҳақининг атиги 15-20 фоизини таъминлаган, чунки давлат пенсия таъминотининг асосий мақсади қашшоқликка қарши кўрашиш ҳисобланган. Кейинчалик иқтисодий ўсиш сабаб аҳолининг пенсия таъминоти билан қамров даражаси ҳам ўсиб борди. Бу эса янги пенсия тизимларига (нодавлат, корпоратив) эҳтиёжни келтириб чиқарди ва янги пенсия тизимлари Швецарияда (1949), Нидерландияда (1957), Швецияда (1960), Норвегияда (1966) ва Канадада (1966) пайдо бўлди. АҚШ ва Японияда бадавлат инсонларнинг пенсия тизимига қамраб олиниши натижасида давлат пенсия таъминоти фаол равишда кенгайди.

Касбий(корпоратив) пенсия иш берувчилар томонидан ишчи ходим билан ўзаро тузилган шартнома асосида мустақил шакллантирилади ва пенсиялар тўланади. Касбий пенсия таъминоти тарихан нодавлат кўринишида ривожланган. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, корпоратив пенсияларнинг аҳамияти ортди ва аҳолисининг катта қисми мазкур тизимда фаолият кўрсатаётган мамлакатлар ушбу пенсия тизимини қонунан мажбурий кўринишда белгиланди (Швецария). Шунингдек, Австралияда ҳам касбий пенсия тизимини молиялаштириш учун иш берувчиларнинг бадалларини мажбурий кўриниши ташкил этилди (Чубарова, 2003).

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатлари аҳолисининг учдан бир қисми турли нодавлат касбий пенсия тизимларига қамраб олинган. Тузилган жамоа шартномаси асосида ходимларни касбий пенсия билан таъминлаш борасида қамров даражаси Швецияда – 90 фоиз, Нидерландияда – 80 фоиздан кўпроқни, АҚШда – 70 фоизни ташкил қилади. Нидерландия ва Францияда пенсия таъминоти тизимида касбий пенсия таъминоти муҳим

ўрин тутади. Бу тизимнинг афзаллиги шундаки, бунда иш берувчи ва ишловчилар томонидан биргаликда бошқарилади ҳамда икки томон ҳам бирдек жавобгар ҳисобланади. Умуман олганда, касбий пенсия таъминотининг роли тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Ҳудудий пенсия таъминоти қатъий ўрнатилган меҳнат стажига эга бўлган ёки уша ҳудудда муайян муддатда яшаган шахсларни пенсия билан камраб олишни назарда тутади. Бунда тўловлар маҳаллий бюджетлар томонидан амалга оширилади. Шахсий пенсия таъминоти ишчиларнинг нодавлат пенсия фондларида, суғурта компанияларида ва тижорат банкларида очилган шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварақларида йиғилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Дастлаб, шахсий пенсия таъминоти ишчилар ва ўзини-ўзи банд қилган шахслар томонидан давлат пенсия таъминоти томонидан тақдим этиладиган пенсия миқдорининг камлиги сабаб, ўз маблағларини жамғариб бориши ҳисобига шаклланди. Ривожланиши эса иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда ривожланган мамлакатларда иш ҳақининг ўсиш суръати сезиларли даражада ошиши натижасида содир бўлди. Шахсий пенсия таъминоти бугунги кунда Буюк Британия ва Даниянинг пенсия таъминоти тизимида муҳим рол ўйнайди. Данияда мазкур тизимда иштирок этиш ихтиёрий ҳисобланса, Буюк Британияда умуммиллий ёки корпоратив пенсия таъминотида қатнашмайдиган ҳар бир шахс учун мажбурий характерга эга.



2-расм. Пенсия таъминотини молиялаштириш методлари(Борисенко, 2007)

Пенсия таъминотини турли молиялаштириш методлари мавжуд бўлиб, булар бюджет маблағлари ҳисобидан, солиқлар ва суғурта орқали амалга оширилади.

Бюджетдан молиялаштириш асосан бюджет маблағлари ҳисобидан, шунингдек айрим йирик компанияларнинг бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилишини назарда тутди. Ўзбекистонда асосан ижтимоий нафақалар бюджет (республика ва маҳаллий бюджет) маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Солиқлар ҳисобидан молиялаштиришда асосан ижтимоий солиқлар назарда тутилади.

Суғурта асосида молиялаштириш давлатнинг бевосита иштирокида иш берувчилар ва ишчиларнинг суғурта бадаллари ҳисобидан амалга оширилади.

Пенсия таъминотини молиялаштиришнинг бюджет методидан асосан мажбурий пенсия суғуртаси билан қамраб олинмаган, алоҳида моддий ёрдамга муҳтож шахсларни ижтимоий рисклардан ҳимоялаш мақсадида амалга оширилади. Бундай пенсия ва нафақалар дунёнинг барча давлатларида мавжуд. Швецария ва Францияда ушбу турдаги пенсия ва нафақаларни олувчилар кўпчиликини ташкил этса, Чилида бошқа даромадга эга бўлмаган шахсларгагина тўланади.

Ўзбекистонда пенсиялар асосан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан, ҳарбий хизматчилар (ички ишлар, давлат хавфсизлик хизмати, божхона ва б.) учун пенсиялар бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Шунингдек, етарли меҳнат стажига эга бўлмаган (камида 7 йил) шахсларга ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик нафақалари, кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамлар бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Пенсия ва нафақаларни молиялаштиришнинг бюджет методи нафақат ҳукумат доирасида, балки хусусий тизимда ҳам амалга оширилади. Бунда хусусий компаниялар (иш берувчи) расман пенсия фондини ташкил этмасдан ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Мазкур молиялаштириш тизими илк бор АҚШ ва Японияда ривожланган бўлиб, камчилиги тўловларни тўлашнинг етарли даражада кафолатланмаганлиги билан характерланади. Чунки тўловларни ўз вақтида тўлаш тўғридан-тўғри компаниянинг молиявий ҳолатига боғлиқ ҳисобланади.

Демак, меҳнат лаёқатини йўқотган ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларни моддий қўллаб-қувватлаш, шунингдек пенсия тизими самарадорлигини ошириш фақатгина пенсия таъминотини молиявий барқарорлигини яхшилаш орқали эришиб бўлмайди, мамлакатда кўп

даражали пенсия тизимини шакллантириш, жумладан нодавлат пенсия фондларини, касбий, корпоратив пенсияларни жорий этиш орқали миллий пенсия тизимида барқарорликка эришиш мумкин.

Мамлакат тараққиётифуқаролар турмуш кечириш даражасининг яхшиланишида намоён бўлади. Шунингдек, аҳолининг кексайганда ёки меҳнат лаёқатини йўқотганида турмуш даражасини яхшилашга ва уларни камбағалликдан ҳимоялашда пенсия таъминоти тизими энг муҳим ижтимоий ҳимоя институтларидан бири сифатида хизмат қилади (Tursunov, 2020).

Хулоса ва таклифлар

Юқоридагилардан келиб чиқиб Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш механизмининг такомиллаштириш, пенсия тизимининг институционал асосларини мустаҳкамлаш, хусусий пенсия фондларини ташкил қилиш ва унинг ҳуқуқий асосларини яратиш борасида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш керак:

пенсия таъминотини молиялаштиришнинг суғурта методидан кенг фойдаланган ҳолда ихтиёрий жамғариб бориладиган пенсия тизимини давлат кафолати остида нодавлат пенсия фондларини ташкил қилиш орқали янада такомиллаштириш керак;

пенсия аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг муҳим таркибий қисми эканлигини ҳисобга олиб, хориж тажрибаси асосида пенсия миқдорини индексациялашни истеъмол индексига қараб амалга ошириш, бу учун эса истеъмол саватини ишлаб чиқиш ва яшаш учун энг кам миқдорни аниқлаш ишларини амалга ошириш зарур;

Юқорида таъкидланган паст даражада даромадни қоплайдиган давлат пенсия таъминотидан ўртача даражада даромадни қоплайдиган давлат пенсия таъминотига ўтиш ишларини янада жадаллаштириш, бунинг учун иқтисодий фаол аҳолининг барчасини пенсия тизимига тегишли ижтимоий солиқ тўлашларини таъминлаш, ўзини-ўзи банд қилганлар рўйхатида келтирилган касблар сонини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ;

Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш борасида манзилли ишларни амалга ошириш, яъни мавжуд камбағалларнинг ягона реестрини юритиш ва уларни касбга ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш даркор.

Хулоса ўрнида пенсия таъминоти аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, у деярли барча фуқароларнинг ҳаётий манфаатлари билан боғлиқдирки, фуқаролар меҳнат қобилиятларини йўқотганларида шу тизим орқали ижтимоий ҳимоя қилинади. Шунинг учун ҳам, мамалакатимизда хусусий пенсия фондларини ташкил қилиниши ишловчи аҳолининг жамғармаларини инфляция босимга

бардошли бўлган молиявий механизмлар орқали ҳимоялаш, уларнинг даромадларини ошириб бориш орқали кексалик чоғида муносиб турмуш кечиришлари учун юқори пенсия олиш имкониятларини юзага келтиришга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 25 январь, № 19 (7521)

Börsch-Supan, A. and C. Coile (2018). “Social Security Programs and Retirement Around the World: Reforms and Retirement Incentives – Introduction and Summary”, NBER Working Paper 25280, Cambridge, MA.

Diamond P. Economic Theory and Tax and Pension Policies // Economic Record. 2011. Vol. 87, Issue 1. P. 2-22.

Орлов, С.Н., Шеметов, А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации: монография // Курган : Изд-во Курганского гос. ун-та, 2013.- 106 с.

Рустамов Д.Р. Ўзбекистонда пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари. Иқт. фан. бўй. фан доктори (DSc) дисс. автореферати. – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2018. – 71 б.

Ражабов Ш.У. Нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш ва инвестицион фаолликни ошириш. Иқт. фан. бўй. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2018. – 66 б.

Борисенко Н.Ю. Построение национальной системы пенсионного обеспечения: теория и практика // Финансы и кредит. 2007. № 17. С. 54–65.

Давронов Ш.З. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – иқтисодий-ижтимоий барқарорлик омили сифатида. Молиячи маълумотномаси.06 (102) 2020 19-26 б.

Турсунов Ж.П. “Ўзбекистонда иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш даврида пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш”. Иқт. фан. бўй. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2020. – 57 б.

Финогенова Ю. Ю. Пенсионное страхование: учеб. пособие. – М.: Изд-во Рос. экон. акад., 2003. – С. 10 – 12.

Pensions at a Glance 2019. OECD AND G20 INDICATORS. Figure 1.13. Future net replacement rates for full-career average-wage workers. p 31. https://www.oecd-ilibrary.org/social-issues-migration-health/pensions-at-a-glance-2019_b6d3dcfc-en

Борисенко Н.Ю. Пенсионное обеспечение: Учебник. – М.: “Дашков и К”, 2009. – 576с.

Чубарова Т. В. Профессиональные пенсии в системе пенсионного обеспечения (опыт развитых стран) // Труд за рубежом. – М., 2003. – № 2. – С. 111.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” 938-ХП-сон Қонуни. 8 модда. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сонли қарори билан тасдиқланган “Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга, меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга ҳамда болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом”.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сонли қарори билан тасдиқланган “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом”.

Tursunov, J. (2020) “WAYS TO ENSURE THE FINANCIAL STABILITY OF THE PENSION FUND WHEN IMPROVING THE STATE PENSION PROVISION,” International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 2, Article 5. <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/5>